



БОЛАЛАРДА БОШ МИЯДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ ЎТКИР БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ САБАБЛАР

Султонов Равшан Комилжонович, Хужанов Хуснитдин
Баймуратович, Буриева Дилноз Бахриддиновна, Бабамуратов Алишер
Рузибоевич.

Термиз иқтисодиёт ва сервис унверситети,
Тиббиёт фанлар кафедраси ўқитувчилари.
e-mail: ravshansultonov606@gmail.com

Аннотация:

Ўшбу мақолада болаларда бош миёда қон айланишининг ўткир бўзилишига олиб келувчи сабаблар ўрганилди. Яъни Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Неврология ва Реанимация бўлимларида ётиб даволанган болаларни текширувдан ўтказилди. Текширувмизда чақалоқларда МҚАЎБ травма, гипоксия, синус ва веналарнинг тромбози ҳисобига, 4 ёшдан 11 ёшда юрак туғма ва орттирилган нуқсонли натижасида ҳамда 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда қон томир аневризмаси ва инфекцияли аллергияли васкулит натижасида юзага келган.

Калит сўзлар: Болалар, бош миё, инсульт, гипоксия, травма, неврологик, нейрофизиологик, Транзитор-ишемик атака.


ОСТРОЕ КРОВООБРАЩЕНИЕ В ГОЛОВНОМ МОЗГЕ ГОЛОВЫ У ДЕТЕЙ ФАКТОРЫ, ВЫЗЫВАЮЩИЕ РАЗРУШЕНИЕ

Султонов Равшан Комилжонович, Хужанов Хуснитдин
Баймуратович, Буриева Дилноз Бахриддиновна, Бабамуратов Алишер
Рузибоевич.

Термезский университет экономики и сервиса,
Кафедра медицинских науки
адрес электронной почты: ravshansultonov606@gmail.com

Аннотация:

В этой статье были изучены причины, приводящие к острым эпизодам нарушения кровообращения в головном мозге головы у детей. Иными словами, были обследованы дети, проходившие лечение в отделениях неврологии и





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

реанимации детского многопрофильного медицинского центра Сурхондарьинской области. В нашем исследовании СРБ возникал в результате травмы, гипоксии, тромбоза синусов и вен у младенцев, врожденных и приобретенных пороков сердца в возрасте от 4 до 11 лет, а также аневризмы сосудов и инфекционно-аллергического васкулита у детей от 12 до 17 лет.

Ключевые слова: Дети, черепно-мозговая травма, инсульт, гипоксия, травма, невролог, нейрофизиолог, транзиторная ишемическая атака.

ACUTE BLOOD CIRCULATION IN THE BRAIN OF THE HEAD IN CHILDREN FACTORS THAT CAUSE DISRUPTION

Sultonov Ravshan Komiljonovich, Xujanov Xusnitdin Baymuratovich, Buriyeva Dilnoz Bahriddinovna, Babamuratov Alisher Ruziboyevich

Termez University of Economics and Service,

Department of Medical Sciences

Email address: ravshansultonov606@gmail.com


Annotation:

In this article, the causes leading to acute episodes of blood circulation in the brain of the head in children were studied. In other words, children who were treated in the neurology and resuscitation departments of the children's multidisciplinary medical center of the Surhondarya region were examined. In our study, CRP occurred as a result of trauma, hypoxia, thrombosis of the sinuses and veins in infants, congenital and acquired defects of the heart from 4 to 11 ears old, as well as vascular aneurysm and infectious allergic vasculitis in children from 12 to 17 ears old.

Keywords: Children, brain, stroke, hypoxia, trauma, neurological, neurophysiological, transient ischemic attack.

Муаммонинг долзарблиги: Мияда қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚАЎБ) болалик ва ўсмирлик даврларида катталарга нисбатан кам учровчи касаллик ҳисобланади. Аммо кейинги йилларда айрим муаллифларнинг сўзидан инсульт болалик даврида кўп учрамоқда, 100000 га 1,5 – 7,5 тўғри келади.[1]

Бош мияда қон айланишининг ўткир бўзилишларида ишемик тури устунлик қилади. Ишемик инсултлар 70-85% ҳолларда, геморагик тури эса 20-





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

25% холларда ўчраши аниқланди. Травмага боғлиқ бўлмаган субарахноидал геморрагиялар 5% холатларда ўчраганлиги аниқланди. [2]

Ишемик инсулт касаллиги болаларда турли шаклларда келиб чиқишида 5 та асосий сабаб бўлувчи омилларга: қон касалликлари, васкулопатия, юрак касалликлари, моддалар алмашинувининг тўғма етишмовчилиги ва васкулитлар сабаб бўлади [7].

Транзитор ишимик синдром (ТИА) мия қон томир етишмовчилигининг хавфли кўриниши бўлган инсультнинг даракчиси бўлиб, цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) семиологиясида асосий ўринга эга [3]. ТИА синдроми ҳозирги кунда инсульт ривожланиш ҳавфи ҳақида хабар берувчи асосий белги ҳисобланади 30-40% ТИА ўтказган беморларда кейинги 5 йил ичида инсульт ривожланади. Ушбу инсультларнинг 20% дан ортиғи биринчи ойда, деярли ярми - ТИА дан сўнг биринчи йилда юзага келади [3-4].


Эс-хуш йўқолиши, ориентация йўқолиши, қисқа муддатли хотира йўқолиши сингари симптомлар ҳам беморларда кузатилади. Эс-хуш бузилиши кўпинча ступор кўринишида бўлади. Умуртқа артерияси зарарланган 15% беморларда дропп-атакалар ривожланади-эс-хуш йўқолмасдан тўсатдан йиқилиб кетиш бўлади, шунингдек оёқларда ҳолсизлик, 10% да моно ёки парализ кўринишида ҳаракат ва сезги бузилиши кузатилади. Бунга ўхшаш пароксизмлар эс-хуш йўқолиши билан кечса Унтерхарншейдт синдроми деб аталади. [5-6].

Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1%ташқил қилмоқда [9].

Цереброваскуляр касалликларнинг асосий сабаби церебрал қон томир аномалияси, инфекциян, инфекциян-аллергик васкулит, травма, соматик касалликлар, вена ва синуслар тромбози ҳисобланади. Аммо ёшга қараб болаларда инсультга олиб келувчи факторлар етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсади: Болаларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишига олиб келувчи факторларни ёшига қараб ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Тадқиқот иши 60 та 17 ёшгача бўлган МҚАЎБни ўтказган болаларда Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Неврология ва Реанимация бўлимларида ётиб





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

даволанган болаларни текширувдан ўтказилди. 1 ёшгача бўлган болалар сони 15та, 4 ёшдан 11 ёшгача 20та, 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар 25 тани ташкил қилди. Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун барча беморлардан анамнез маълумотлари йиғилди, объектив текширув, клиник-неврологик ва нейрофизиологик текширувдан (МРТ) ўтказилди.


Тадқиқот натижалари: МҚАЎБ олиб келувчи сабабларни аниқлаш учун беморларнинг анамнези ҳамда амбулатор картаси ўрганилди. Анамнез маълумотлари йиғилганда чақалоқларда перинатал даврнинг ҳавф омиллари туғруқ асфиксияси ва гипоксияси (14;42,8%)та болада, 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда юрак туғма ва орттирилган нуқсони (17; 53,1%)та болада, 12 ёшдан 17 ёшгача қон томир аневризмаси (4; 12,5%)та болада ва инфекцион аллергиялик васкулит (12; 38,2%) касалликлари аниқланди. Клиник-неврологик текширилганда (8; 25%)та беморда симптоматик эпилепсия, (17; 53,1%)та болада гемипарез, (6; 18,8%)та болада монопарез, (9; 28,1%)та болада юз нервнинг марказий фалажи, (15; 47,5%)та болада психик ривожланишдан орқада қолиши ва (4; 12,5%)та болада мотор афазия белгилари аниқланди. Нейрофизиологик текширув таҳлили (МРТ) МҚАЎБ геморагик (37; 71,2±6,3%) ва ишемик (15; 28,8±6,3%) типда бузилганлигини кўрсатди.

Хулоса: Юқоридаги маълумотларга асосланиб чақалоқларда МҚАЎБ травма, гипоксия, синус ва веналарнинг тромбози ҳисобига, 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда юрак туғма ва орттирилган нуқсони натижасида ҳамда 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда қон томир аневризмаси ва инфекцион аллергиялик васкулит натижасида юзага келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева М.Б., Маджидова Ё.Н., Каланов А.Б., Маматова Ш.А. Транзитор ишемик атакларнинг ишемик инсультларни ривожланишидаги прогностик аҳамияти // Услубий тавсиянома Тошкент, 2020 йил.

2 Суслина.З.А., Верещагин.Н.В., Пирадов М. А. — Подтипы ишемических нарушений мозгового кровообращения: диагностика и лечение. Consilium Medicum, Том 3/N 5/2021.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

3. Акпанова Д. М. Диссертация на соискание степени доктора: Медикосоциальные аспекты организации помощи по профилактике инсультов у пациентов с фибрилляцией предсердий в г. Алматы, 2018 год

4. Апанель Е.Н., Войцехович Г.Ю., Головкин В.А., Мастыкин А.С. Транзиторные ишемические атаки: решаемая проблема // Военная медицина. - 2013. - №2(27). - С. 100-103

5. Атака на мозг–инсульт Источник <https://kusacrb74.ru/stati-o-zdorove/ataka-na-mozg-insult>.

6. Рахимбаева Г.С.Акбарходжаева.З. Применение тромболиза при инсульте // Вестник Ташкентской медицинской академии №4, 2016. 137-141.

7. В.П. Зыков, С.А. Васильев, И.Б. Комарова, М.Ю. Чучин, Л.В. Ушакова, Т.В. Швабрина, И.Л. Степанищев, В.Г. Черкасов. Ишемический инсульт в детском возрасте // «Клиническая медицина» журнал №2, 2009. 12-20.

8.<https://scholar.google.com/scholar?cluster=13406521914690592112&hl=en&oi=scholar>

9. Султонов.Р.К, Содиқова.З.Ш, Бобоёров.С.У. Dynamics of fat cels of the bronchial tree mucosa in postnatal ontogenesis. // Central Asian Journal of Medical and Natural Science (CAJMNS) –Toshkent. Volume 2 № 4, 2021. С. 182-184.

